

ЖАВЗУДАВЛАТНИНГ ЕРГА ЭГАЛИК КИЛИШ ҲУҚУҚИ РЕЖА:

- 1. Давлатнинг ерга эгалик юлиш ҳуқуки тушунчаси ва унинг умумий тавсифи.**
- 2. Давлатнинг ерга эгалик юлиш ҳуқуки субъектлари.**
- 3. Давлат ер фонди давлатнинг ерга эгалик юлиш ҳуқуки обьекти сифатида.**
- 4. Давлатнинг ерга эгалик юлиш ҳуқурининг мазмуни.**

Ер кодексининг 17-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хукуклари белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида ердан фойдаланиш хукуки шакларини кўрсатади. Унга кўра, юридик шахслар:

-доимий	Эгалик	қилиш;
-доимий		фойдаланиш;
-муддатли	(вактинча)	фойдаланиш;
-ижарага		олиш;
-мулк	хукуки	асосида

ер участкаларига эга бўлишлари мумкин

Жисмоний шахслар:

- мерос қилиб қолдириладиган умрбод
эгалик қилиш;
- доимий фойдаланиш;
- муддатли (вактинча) фойдаланиш;
- ижарага олиш;
- мулк хукуки асосида

ер участкаларига эга бўлишлари мумкин

Күриниб турибдики:

- муддатли (вактинча);
- доимий эгалик (фойдаланиш) асосида;
- ижара асосида;
- мерос қилиб қолдириладиган умрбод
эгалик қилиш асосида;
- хусусий мулк ҳуқуқи асосида
ердан фойдаланиш ҳуқуқи шакларини
ташқил этади.

Ер кодексининг 20-моддасига мувофик ер участкалари доимий ва муддатли (вактинча) эгалик қилиш хамда улардан доимий ва муддатли (вактинча) фойдаланишга Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, саноат, транспорт хам да бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташқилотларига, чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташқилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Ерларни давлат номидан тассаруф этишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, махаллий давлат хокимияти органлари амалга оширади. Мазкур органларнинг табиий ресурларни тасарруф этиш бўйича ваколатлари Ер кодекси, мазкур органлар тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган.